

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М.ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ  
ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.GM/T.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАИЛОВ ВАХИТХАН АЛИХАНОВИЧ**

**СЕЙСМИК РИСКНИ ТУРЛИ ДАРАЖАДА БАҲОЛАШНИНГ  
ИНЖЕНЕР - СЕЙСМОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**04.00.06 - Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари**

**ГЕОЛОГИЯ - МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

**Исмаилов Вахитхан Алиханович**

Сейсмик рискни турли даражада баҳолашнинг инженер - сейсмологик  
асослари.....3

**Исмаилов Вахитхан Алиханович**

Инженерно - сейсмологические основы разноуровневой оценки  
сейсмического риска.....27

**Ismailov Vakhitkhan Alikhanovich**

Engineer - seismological bases estimation of seismic risk for different levels.....51

Элон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

---

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М.ГУБКИН НОМИДАГИ РОССИЯ  
ДАВЛАТ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc  
27.06.2017.GM/Т.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР  
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАИЛОВ ВАХИТХАН АЛИХАНОВИЧ**

**СЕЙСМИК РИСКНИ ТУРЛИ ДАРАЖАДА БАҲОЛАШНИНГ  
ИНЖЕНЕР - СЕЙСМОЛОГИК АСОСЛАРИ**

**04.00.06 - Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари**

**ГЕОЛОГИЯ - МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2018.1.DSc/GM35 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ing.uz](http://www.ing.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Хусомиддинов Сабриддин Самарович**  
физика-математика фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Долгополов Феликс Геннадьевич**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Раджабов Шухрат Сайфуллаевич**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Ходжиметов Алиназар Ирисметович**  
физика-математика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Геология ва геофизика институти**

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Ўзбекистон нефть ва газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети ва И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали ҳузуридаги DSc 27.06.2017.GM/T41.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «26» феврал соат 14<sup>00</sup>даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100059, Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 114 уй. Тел.: (99871) 253-09-78, факс: (99871) 250-92-15, e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz).)

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3919 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100059, Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 114 уй. Тел.: (99871) 253-09-78, факс: (99871) 250-92-15, e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz).)

Диссертация автореферати 2019 йил «9» февралда тарқатилди.

(2019 йил “15” январдаги 1 рақамли реестр баённомаси)

**Ю.И.Иргашев**

Илмий даражалар берувчи  
бир марталик Илмий кенгаш раиси,  
г.-м.ф.д., профессор

**М.Г.Юлдашева**

Илмий даражалар берувчи  
бир марталик Илмий кенгаш  
илмий котиби, г.-м.ф.н.

**К.Н.Абдуллабеков**

Илмий даражалар берувчи  
бир марталик Илмий кенгаш қошидаги  
бир марталик илмий семинар  
раиси, ф.-м.ф.д., профессор, академик

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сейсмологик тадқиқотларнинг жаҳон тажрибасида сейсмик хавфни миқдорий баҳолаш ва кучли zilzila оқибатларини прогноз қилиш муаммоси ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Сейсмиклик даражаси юқори бўлган кўплаб давлатларда сейсмик рискни баҳолаш ва zilzila таъсиридаги зарарларни камайтириш муаммолари, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг барқарорлигини таъминловчи муҳим омил деб қаралади. Шу туфайли сейсмик фаол ҳудудларда сейсмик рискнинг муҳим таркибий қисми бўлган zilzila оқибатларни баҳолашнинг инженер - сейсмологик асосини яратиш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дунёда сейсмик рискни ва унинг иккиламчи табиий ва техноген генезисли жараёнларини ҳисобга олган ҳолда баҳолашнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш, сейсмик рискни баҳолаш ва хариталаш, аҳолининг ва турли миқёсдаги ҳудуднинг сейсмик жихатдан хавфсизлигини баҳолаш ва сейсмик риск даражасини пасайтириш учун тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича бир мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун куйидаги вазифалар бажарилмоқда: сейсмик хавфни прогноз қилишда детерминистик ва эҳтимолик ёндашувлар самарадорлигини баҳолаш; сейсмик таъсирнинг регионал моделларини тузиш; ГИС технологияларни қўллашга мослашган табиий ва техноген ҳалокатлар манбаларини ва сценарияларини моделлаштириш ва таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш; бино ва иншоотларга сейсмик таъсирнинг физик ва математик моделларини тузиш; турли конструкциядаги биноларнинг ва бино-иншоотлар билан ўзлаштирилган ҳудудларнинг сейсмик заифлигини баҳолашнинг технологияларини ишлаб чиқиш; турли даражада сейсмик ва комплекс рискни баҳолаш ва хариталаш услубларини ишлаб чиқиш; сейсмик рискни баҳолашда иккиламчи техноген ва табиий омилларни инобатга олишнинг математик моделларини ишлаб чиқиш вазифалари билан биргаликда ҳал этиш ишлари катта талабга эга бўлиб қолмоқда.

Республикада аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген ҳалокатлардан сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудудларни сейсмик хавфсизлигини таъминлаш учун турли даражада тузилган сейсмик районлаштириш харитасига асосланган ҳолда уй-жой, маъмурий ва ижтимоий биноларнинг, саноат объектларнинг ва ҳаётни таъминловчи тизимларнинг zilzila бардошлик даражасини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги<sup>1</sup> Фармонда “Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф қилиш тизимини такомиллаштириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шундан

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 - сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

келиб чиққан ҳолда кучли zilzilalar оқибатларини турли ҳудудий даражада прогноз қилиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади ва бу катта илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Сейсмик рискни ва унинг иккиламчи табиий ва техноген генезисли жараёнларини ҳисобга олган ҳолда баҳолашнинг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий илмий-таълим муассасалари, жумладан: The Federal Emergency Management Agency (АҚШ), The University of California (АҚШ), Earthquake Research Institute, the University of Tokyo (Япония), International Institute of Seismology and Earthquake Engineering (Япония), Istituto Nazionale di Oceanografia e di Geofisica Sperimentale (Италия), Evaluacion de Riesgos Naturales (Мексика), Risk Engineering Design (Италия), German Research Center for Geosciences (Германия), Karlsruhe Institute of Technology (Германия), Kandilli Observatory and Earthquake Research Institute of Bogazici University (Туркия), Chine University of Geosciences (Хитой), Ер физикаси институтида (Россия), Ер қобиғи институтида (Россия) ва Геоэкология институтида (Россия), Геология ва геофизика институтида (Молдова), Геология фанлари институтида (Арманистон), Сейсмик мустаҳкамлик илмий-тадқиқот институтида (Туркманистон), Сейсмология институтида (Ўзбекистон) ва Мехника ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.ce.memphis.edu>; <http://www.scirp.org/journal>; <https://link.springer.com/article>; <https://docslide.net/documents/1-earthquake-hazard-and-risk-assessment-unisdr-hazard-and-risk-assessment-key.html>; <http://dx.doi.org/10.4236/ojer> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Сейсмик рискни баҳолашга ва прогноз қилишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: зилзила таъсирда юзага келадиган иқтисодий талофат ва йўқотишларнинг сейсмик тебранишга боғлиқ ҳолда ҳисоблаш методикаси яратилган (Massachusetts Institute of Technology, АҚШ); бино пойдеворнинг асосидаги сейсмик таъсирни баҳолаш учун грунтлар қатламининг математик модели ишлаб чиқилган (Istituto Nazionale di Oceanografia e di Geofisica Sperimentale, Италия); бино ва иншоотлар шикастланиши ва заифлигини ҳисоблаш учун компьютер дастури ишлаб чиқилган (The University of California, АҚШ); детерминистик ва эҳтимоллик ёндашувга ва сейсмик тўлқинларни сўниш қонуниятларига асосланган сейсмик хавфни баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган (Ер физикаси институти, Россия); бино ва иншоотларнинг сейсмик тебранишларнинг табиати ва кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда шикастланиши моделларда ва эмперик тадқиқотларда аниқланган (International Institute of Seismology and Earthquake Engineering, Япония); катта миқёсдаги табиий фавқулодда вазиятларда (зилзила, сув босиши, цунами) йирик шаҳарлар ҳудудидаги ҳолатни баҳолаш учун алгоритм ва моделлар ишлаб чиқилган (Геоэкология институти, Россия); урбанлашган ҳудудларда сейсмик рискни баҳолаш ва районлаштириш технологияси ишлаб чиқилган (Сейсмология институти, Ўзбекистон).

Дунёда сейсмик рискни баҳолаш ва прогноз қилиш бўйича қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: иқтисодий жиҳатдан масъулияти юқори объектлар учун (АЭС, ИЭС, нефт ва газ иншоотлари, йирик комплекслар ва бошқалар) сейсмик хавф, заифлик ва рискнинг математик моделларини яратиш; кучли зилзила оқибатларини оператив баҳолаш учун махсус ГИС дастурларини ишлаб чиқиш; сейсмик ва табиий-техноген рискларни электрон миқдорий хариталаш ва баҳолашнинг илмий асосини яратиш; сейсмик таъсирнинг регионал ва локал моделларини тузиш ва сейсмик заифликларнинг ҳудуднинг инженер-сейсмологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Табиий ва техноген рискларни, шу жумладан сейсмик рискни баҳолаш ва прогноз қилиш тадқиқотларнинг жадал ривожланиши ўтган асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Шу даврда кўплаб мамлакатларнинг суғурта компаниялари зилзила натижасида етказилган зарарларни аниқлашга ва уларни олдиндан ҳисоблашга доир маълумотларга муҳтожлиги сабабли аҳоли ва ҳудудларни сейсмик хавфсизлигини баҳолаш ва таъминлашга қаратилган мақсадли тадқиқотлар олиб борилиши йўлга қўйилган (R.V.Whitman, D.C.Friedman, I.M.Idriss, C.S.Oliveira, H.C.Shah<sup>3</sup>, S.Kisliakov, V.Silva, O.D.Cordona).

Фавқулодда вазиятлар оқибатларини баҳолаш, суғурта компанияларини керакли маълумотлар билан таъминлаш ва етказилган зарарни иқтисодий

---

<sup>3</sup>Shah H.C. Earthquake engineering and seismic risk analysis. Stanford, 1982. - 87 p.

жихатдан ҳисоблаш нуқтаи назардан В.И.Осипов<sup>4</sup>, Г.А.Собелев, С.К.Шойгу, Г.Л.Кофф<sup>5</sup>, А.Л.Рогозин, М.А.Шахраманян<sup>6</sup>, В.А.Ларионов, С.П.Суцев ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Шаҳар ҳудудларида сейсмик рискни баҳолашнинг методологик ва амалий томонлари M.Lu, M.Elmas, N.Mert, K.Hasegawa, H.Nayashi, M.I.Carreno, Y.Nishimura, G.Gruntal, J.Zschau, Г.Л.Кофф, В.Г.Алказ, М.А.Шахраманян, В.Б.Заалишвили, Е.Н.Черных, Ю.К.Чернов, С.А.Тягунов, С.Н.Назаретян, А.Д.Абакаров, И.Б.Курбанов, В.Г.Баранников ва бошқаларнинг илмий ишларида баён қилинган бўлиб, уларда детерменик ёки эҳтимоллик ёндашув асосида сейсмик хавф баҳоланган, бино ва иншоотлар конструкцияларини ва қурилган майдонларнинг сейсмик заифлиги бино ва иншоотларнинг паспорт маълумотларига кўра аниқланган ва турли усулларни қўллаб сейсмик риск баҳоланган.

Ўзбекистонда сейсмик риск йўналишидаги илмий тадқиқотлар ўтган аср охирларида бошланиб, Б.Мардонов ва Ю.К.Чернов раҳбарлигида муайян объектлар учун сейсмик хавфни, сейсмик таъсирни ва сейсмик рискни миқдорий баҳолаш ва прогноз қилиш методикаси ишлаб чиқилди (С.А.Тягунов, В.А.Исмаилов, Т.С.Валиев ва А.Джураев). Ушбу методиканинг аҳамиятли томони шундаки, сейсмик хавф, сейсмик таъсир ва сейсмик риск эҳтимоллик асосида зилзилани содир бўлиши, сейсмик тўлқинларни тарқалиши, сейсмик тўлқинларга турли иншоотларнинг реакцияси ва сейсмик талафоти биргаликда таҳлил қилинган. Республикада сейсмик риск йўналишидаги тадқиқотларни ривожланишида UN-IDNDRнинг “Табиий офатларда зарарларни камайтириш бўйича халқаро декада” лойиҳаси муҳим қадам ҳисобланади. Чунки ушбу лойиҳа доирасида Тошкент шаҳри сейсмик рискни баҳолаш ишлари олиб борилди. Комплекс тадқиқотлар Т.Р.Рашидов, Ш.А.Хакимов, К.Н.Абдуллабеков, К.С.Абдурашидов, Л.М.Плотникова, С.А.Тягунов, Р.С.Ибрагимов, В.А.Исмаилов, Б.С.Нуртаев, С.С.Сейдузова, С.А.Саидов, К.А.Плахий ва бошқалар томонидан олиб борилиб, илмий-амалий натижалар олинди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Сейсмология институтида кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлар натижасида А.М.Худайбергенов, М.Ш.Шерматов, Х.Мирзобаев, К.Ш.Нурмухамедов, М.А.Туйчиева, Н.М.Джураев ва бошқалар томонидан шаҳар ҳудудларда сейсмик рискнинг инженер-геологик омилларини ҳудуд бўйлаб ўзгариш хусусиятлари аниқланган, Н.Г.Мавлянова, Р.Ш.Иногамов ва А.Б.Павлов томонидан регионал геолого-геофизик ва тарихий-демографик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда сейсмик рискни баҳолашнинг методологик асослари ишлаб чиқилган ва С.С.Хусомиддинов, В.А.Исмаилов,

---

<sup>4</sup>Осипов В.И., Шойгу С.К., Собелев Г.А. и др. Природные опасности России// Сейсмические опасности. - М.: Крук, 2000. - 295 с.

<sup>5</sup>Кофф Г.Л., Рюмина Е.В. Сейсмический риск. - М.: НИЦ «Геориск», 2003. - 108 с.

<sup>6</sup>Шахраманян М.А. Оценка сейсмического риска и прогноз последствий землетрясений в задачах спасения населения. - М.: ВНИИ ГОЧС, 2000. - 190 с.



С.Тягунов, Н.Г.Мавлянова, В.А.Рафиков ва бошқалар ишларида шаҳарлар учун сейсмик рискни баҳолаш ва районлаштириш технологияси яратилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Сейсмология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №0043386/1991 «Сейсмик хавфни, сейсмик таъсирни ва сейсмик рискни муайян объектларда прогноз қилиш методикаси» (1991-1996 йй.), И8-ФА-Т004 «Сейсмик рискни баҳолаш ва районлаштириш технологияси» (2016-2017 йй.), ПЗ-20170928253 “Кучли зилзилалар содир бўлганда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Давлат тизимининг самарали чора-тадбирлар сценарийсини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.), ПЗ-20170929541 “Табиий ва техноген омиллар таъсирида содир бўладиган комплекс рискни инobatга олган ҳолда республика аҳолиси ва ҳудудларини сейсмик хавфсизлик даражасини ошириш технологияларининг мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) амалий ва инновацион лойиҳалари доираси бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сейсмик таъсир жадаллигини регионал ва локал ўзгариш қонунияларига ва турли бино-иншоот ва ҳудудларнинг заифлик даражасини баҳолашга асосланган ҳолда сейсмик рискни турли ҳудудий даражада (маъмурий регионда, шаҳар ҳудудида ва қурилиш майдонида) баҳолашнинг илмий инженер-сейсмологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

регионал сейсмик хавфни таснифловчи кўрсаткичларни аниқлаш;  
сейсмик хавф параметрларини аниқлаш ва миқдорий таснифлаш ҳамда сценар зилзилани танлаш (координатаси, магнитудаси ва ўчоқ чуқурлиги);

сценар зилзилада сейсмик жадалликни инженер-геологик шароитларга ва сейсмик тўлқинларнинг масофа бўйича сўнишига боғлиқ ўзгариш қонуниятларини аниқлаш;

сейсмик рискни баҳолашда инженер-сейсмологик шароитнинг муҳим омилларини аниқлаш ва уларни баҳолаш;

грунт қатламлари ва “грунт-иншоот” тизимини сейсмик таъсирдаги ҳолатини инструментал-сейсмометрик кузатув методи орқали ўрганиш ва бино ва иншоотларнинг турли конструктив типларини сейсмик заифлик параметрларини аниқлаш;

сейсмик рискни маъмурий регион, шаҳар ҳудуди ва муайян объектларда баҳолашнинг инженер-сейсмологик асосларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Жиззах вилояти ҳудудининг сейсмик фаол зоналаридаги аҳоли пунктлари (муайян объектлар, йирик шаҳар ҳудуди ва вилоятнинг аҳоли пунктлари ва туман марказлар) ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сейсмик тебранишларни маконда грунт шароитига ва масофага боғлиқ ҳолда ўзгаришини ва иншоотларнинг сейсмик

заифлик даражасини баҳолаган ҳолда сейсмик рискни инженер-сейсмологик асосини ишлаб чиқишни ташкил қилади..

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотлари инженер-геологик ва геофизик усулларга, чунончи грунтларнинг физик ва механик хусусиятларини лаборатория шароитда, сейсмик хусусиятларни дала шароитида сейсморазведка усуллари билан ўрганишга асосланган. Лёсс грунтлардаги деформацион жараёнлар табиати геодезик усуллар билан, ҳамда махсус қурилган ултра товуш ускунаси орқали ўрганилган. Сейсмик жадалликни турли нуқталарда аниқлашда тебранишларни сейсмометрик қайд қилиш усулидан фойдаланилган. Диссертацияда дастурий қўлланмалар асосида сунъий акселерограммалар ҳисобланиб (ProShake-2<sup>7</sup>), турли конструкциядаги бино ва иншоотларни берилган сейсмик таъсирда шикастланиш даражаси (GESI\_Program<sup>8</sup>) аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сценария зилзиланинг параметрларини (координатаси, магнитудаси, ўчоғнинг чуқурлиги ва гипоцентрал масофаси) детерминистик нуқтаи назарда танлаш усули ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган грунтлар турларини сейсмик жадаллик параметрларининг ўзгаришига таъсири аниқланган ва грунтларнинг сейсмик хусусиятлари бўйича таснифи такомиллаштирилган;

лёсс грунтларда сейсмодеформацияларни ривожланиш тезлигини сейсмик таъсир параметрларига боғлиқлигининг эмпирик тенгламаси ишлаб чиқилган;

сейсмик жадалликнинг грунт шароитига ва сейсмик тебранишни масофа бўйича сўнишга боғлиқ маконда ўзгариши аниқланган;

илк бор қурилиш майдонининг сейсмиклик даражаси бино-иншоот пойдевор асослари бўлган грунтларни мустаҳкамлаш усулларига боғлиқ ҳолда ўзгариши экспериментал аниқланган;

биноларнинг турли конструктив типлари учун бино ва иншоотларни шикастланиш даражаси ва сейсмик таъсир кучини (MSK-64 шкаласи бўйича баллда ва сейсмик тезланишларда) боғловчи заифлик функциялари ҳисобланган;

илк бор турли ҳудудий даражаларда - регионал, шаҳар ва муайян ҳудудларда сценария зилзилалари оқибатидаги бевосита талафотларни баҳолаш учун инженер-сейсмологик асослар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотларнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Жиззах вилояти ҳудуди учун кучли хавф соладиган зилзила сценарияси танланган ва унинг параметрлари аниқланган;

Жиззах вилояти ҳудудида сценариядаги зилзила оқибати натижасида сейсмик жадалликнинг грунт шароити ва сейсмик тебранишнинг сўнишига боғлиқ ҳолда ўзгариши баҳоланган ва Жиззах вилояти ва Жиззах шаҳри

---

<sup>7</sup><http://proshake.com/PS2.0Professional.htm>

<sup>8</sup>[http://iisee.kenken.go.jp/net/saito/gesi\\_program/index.htm](http://iisee.kenken.go.jp/net/saito/gesi_program/index.htm)

худудларининг сценариясидаги зилзила содир бўлганда сейсмик жадаллик ўзгаришининг схематик харитаси тузилган;

биноларнинг турли конструктив типлари учун сейсмик заифлик функцияси аниқланган ва шаҳар худудларида сейсмик заифлигини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган фойдаланган ҳолда Жиззах шаҳри худудининг сейсмик заифлик схематик харитаси тузилган;

регионал, локал ва муайян даражада сейсмик рискни баҳолашнинг инженер-сейсмологик асоси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги Жиззах вилоятида олиб борилган инженер-геологик, шу жумладан 140 тоғ кавлама материаллар, бта қурилиш майдонларида комплекс инженер-сейсмологик тадқиқотлар (сейсморазведка, сейсмик кузатув ва ҳисоблаш услублари), 130 нуқтада сейсморазведка тадқиқотлар, 35 пунктда биноларда ва 70 пунктда ер юзида инструментал кузатувлар, ҳамда “Pro Shake-2” дастури асосида 120 сунъий акселерограммалар ва “GESI\_Program” дастури билан 50та турли конструкцияли биноларнинг шикастланиши бўйича олинган материаллар асосида таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сейсмик жадалликни грунт шароитига ва сейсмик тўлқинларни масофа бўйича сўнишга боғлиқлик қонуниятларини, бино ва иншоотларнинг конструктив тури бўйича шикастланиш даражасини ва уларнинг заифлик функциясини аниқланганлигини инobatга олган ҳолда, сейсмик рискни турли даражада баҳолашнинг методологик-услубий ёндашувларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган услубий ёндашувлар турли даражадаги худудларда (регионал, локал майдонларда ва муайян объектларда) сценария зилзила оқибатида етказиладиган зарарларни камайтириш чора тадбирларини ўз вақтида ишлаб чиқиш учун зарур бўлган сейсмик рискни баҳолашнинг инженер-сейсмологик асосини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сейсмик рискни турли худудий даражада (регионал худудда, локал майдонда ва муайян объектда) баҳолаш учун олинган илмий инженер-сейсмологик натижалар асосида:

сценария зилзиласининг параметрларини танлаш методикаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 2/4/24-3000-сон маълумотномаси). Натижада хавфсизликни таъминлашнинг стратегик йўналишларини ташкил қилиш учун худудларда эҳтимоли юқори зилзила ўчоқларини аниқлаш имконини берган;

зилзила сценарияси бўйича сейсмик жадалликни прогноз қилиш методикаси ва Жиззах вилоят худудида сейсмик жадалликни прогноз қилиш схематик харитаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Жиззах вилоят худудий бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги

2/4/24-3000-сон маълумотномаси). Натижада сценария зилзиласига олдиндан тайёргарлик кўриш тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

турли конструкцияли биноларнинг сейсмик заифлигини аниқлаш методикаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармаларида амалиётга жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 2/4/24-3000-сон маълумотномаси). Натижада бино ва иншоотларнинг сейсмик заифлик паспортини тузишнинг такомиллаштирилган методологик базасини яратиш имконини берган;

сейсмик рискни турли ҳудудий даражада (регионда, шаҳар ҳудудида ва қурилиш майдонида) баҳолашнинг инженер-сейсмологик асослари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2018 йил 31 октябрдаги 2/4/24-3000-сон маълумотномаси). Натижада сценария зилзиласи содир бўлганда қутқарув ишларини режалаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан, биттаси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 12 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 207 бетни ташкил этаган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ҳозирги замон ҳолатини таҳлилий баёни ва сейсмик рискни баҳолаш концепциясини танлаш”** деб номланган биринчи бобида сейсмик рискни баҳолашнинг чет эл ва республика миқёсида ўрганилганлиги, чоп этилган мақолалар таҳлили келтирилган

Илмий-техник адабиётларда “риск” ибораси турлича талқин қилинган. Баъзи бирларида бу ноқулай ҳодисалар кўринишининг эҳтимоли, сейсмик

тебраниш дейилса, бошқаларида эса сейсмик тебранишлар натижасидаги зарар деб тушунилади. Г.А.Собелев таърифи бўйича сейсмик риск - бу берилган давр ичидаги сейсмик хавф натижасида вужудга келадиган иқтисодий зарар.

Сейсмик рисни баҳолаш илмий ва амалий тадқиқотларининг ривожланиши, яъни зилзила талафотларини баҳолаш методологияси 1971 йили Сан-Фернандо зилзиласи билан боғлиқ. Ушбу зилзиладан сўнг АҚШ суғурта компанияларининг сўровлари асосида айрим ҳудудларда, шунингдек муайян объектларда зилзила етказган талафотлар ҳажмини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш бошланган. Шундан сўнг тадқиқот гуруҳлари ва марказлари ташкил этилиб, уларда зилзила оқибатларини иқтисодий жиҳатдан ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш бошланди. R.V.Whitman раҳбарлиги остида Массачусет технология институтида ташкил қилинган марказ бунга яққол мисол бўлади. Бу марказда зилзила оқибатидаги “эҳтимоллик зарар матрицалари” зарарнинг сейсмик таъсирга боғлиқлик асосида тузилган.

Ўзбекистонда кенг қамровли сейсмик рисни баҳолаш тадқиқотлари БМТнинг 1989 йил 22 декабр №44/236 резолюциясига, “Табиий офатлар зарарларни камайтириш бўйича халқаро декада (IDNDR)” боғлиқ ҳолда амалга оширилди. Ушбу резолюция асосида дунёнинг сейсмик хавфи юқори бўлган 10 та шаҳари (58 шаҳарлар орасидан) сейсмик рисни назарий ва амалий баҳолашни ривожлантириш учун намуна сифатида қабул қилинди. Шаҳарлар орасидан Тошкент шаҳри ҳам танлаб олинди.

IDNDR дастурига асосан барча тадқиқот ишлари уч босқичда амалга оширилиш кўзда тутилган: биринчи босқич - потенциал зилзила сценариясини ишлаб чиқиш ва сейсмик жадалликни ўзгаришини прогноз қилиш; иккинчи босқич – биноларнинг конструктив заифлигини ҳисобга олган ҳолда бўлиши мумкин бўлган зарарни баҳолаш ва учинчи - сейсмик рисни камайтириш мақсадида ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотлар натижасида сценария зилзиласи содир бўлганда сейсмик жадалликнинг грунт шароитларига қараб ва сўниш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгаришини кўрсатувчи прогноз харитаси тузилган.

Тошкент шаҳри ҳудудида олиб борилган инженер-сейсмологик тадқиқотлар амалий жиҳатидан шаҳар ҳудудида сейсмик рисни баҳолашнинг бошланиши ҳисобланади. Шунинг учун ушбу илмий тадқиқотлар баъзи бир камчиликлардан ҳоли эмас эди. Жумладан, сейсмик риск концепциясини тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги, яъни тадқиқотларнинг кетма-кетлиги талаб даражасида бўлмаганлиги ва сейсмик таъсир кўрсаткичларининг аниқ тизимлаштирилмаганлигидан далолат беради.

БМТнинг UNDR0 (United Nations Disaster Relief Organization) ташкилоти томонидан 2001 йили киритилган таърифга кўра сейсмик риск - ҳудуднинг эҳтимоли юқори бўлган сейсмик хавфни ва қурилиш ва табиий объектларнинг сейсмик заифлигини ҳисобга олган ижтимоий-иқтисодий эҳтимоллий зарар.

Келтирилган таърифда сейсмик риск икки нуқтаи назардан қаралган: сеймик хавф ва сейсмик заифлик. Бироқ сейсмик рискни ишончли баҳолаш ва прогнозлаш учун “грунт-иншоот” тизимининг зилзила давридаги ҳолати бўйича баҳоланиши зарур. Шунини инобатга олган ҳолда ушбу илмий-тадқиқот ишда сейсмик риск қуйидаги қисмларда кўрилган:

сейсмик хавфни баҳолаш ва зилзила сценарияси учун зилзила ўчоғини танлаш;

сейсмик таъсирни грунт шароити ва тебранишнинг масофа бўйича сўнишини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш;

бино конструкцияларининг ва қурилган майдонларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш.

Диссертациянинг **“Зилзила сценариясини танлашнинг геологик, сеймотектоник ва сейсмологик асослари”** деб номланган иккинчи бобида айрим ҳудудларнинг сейсмиклигини аниқловчи факторлар таҳлил қилинган ва зилзила сценариясини танлашнинг методологик жиҳатлари кўриб чиқилган. Ушбу тадқиқотларнинг объекти сифатида Жиззах вилояти ҳудуди қабул қилинган. Чунки бу вилоят ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг саноати жадал ривожланаётган ҳудуди ҳисобланади.

Геологик структура ҳолатига кўра ўрганилаётган регион Тянь-Шан эпиплатформа орогендан Турон платформасига ўтиш ҳудудига тўғри келади. Бу ерда палеозой фундаментнинг структураси пайдо бўлиши герцин даврининг тоғ ўсиш жараёнлари билан боғлиқ. Ҳудуднинг юқори қатламларнинг бир талай кўтарилиш ва сўниши, структураларининг ҳамда кенглик ва субкенгликдаги ер ёриқларининг ҳосил бўлиши алпий тектогенезига тўғри келади. Бурма фундаментлари Қўйтош, Молғузар ва Писталитоғ тоғ тизмаларида ва Тош-тепа ва Хонбанди бурмаларда ер юзасида кўринади.

Тадқиқотлар олиб борилган ҳудудда икки йирик регионал ёриқ мавжуд. Булар Жанубий Фарғона ва Шимолий Кулжуктау-Туркистон ёриқлари бўлиб, улар субкенглик йўналишида чўзилган. Бу ёриқларнинг фаоллиги кўп миқдордаги қолдиқ деформациялар ва тўртламчи давр ётқизиқларини юқори амплитудадаги силжишлар, ҳамда дедудацион жараёнлар билан тасдиқланади. Бу регионал ёриқларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, улар ҳудудларида кучли зилзилалар ўчоқлари жойлашган. Шунинг учун бу ҳудудлар сейсмоген зоналар ҳисобланади.

Сейсмоген зоналар фаоллигини содир бўлган қуйидаги зилзилалар тасдиқлайди: Ўра-тепа (1897 ва 1923 йй.), Ҳайдаркон (1977 й.), Исфара-Боткент (1978 й.), Ғаллаорол (1984й.), Кон (2011й.), Маржонбулоқ (2013 й.) ва Бахмал (2017 й.) зилзилалари.

Сейсмик хавфни миқдорий тавсифлаш учун қуйидаги давомли сейсмик жараён параметрларини баҳолаш лозим:

барча сейсмофаол зоналар учун турли энергетик даражадаги зилзилалар такрорланишини;

сейсмофаол зонадаги эҳтимоли юқори бўлган зилзилани  $M_{\max}$  сейсмик патенциалини;


турли магнитудадаги зилзилалар сейсмик жадаллигининг масофа бўйича сўниши, бунда сейсмик жадаллик нафақат макросейсмик балларда, балки тўлқинларнинг максимал тезланиш ёки спектрал амплитудасининг ўзгаришини.

Жиззах вилояти учун Жанубий Фарғона сейсмоген зонаси юқори сейсмик хавф солиши ва бу зонада магнитудаси  $M \geq 6,0$ , ўчоғининг чуқурлиги 10-20 км ва кучи  $I=8,0$  бўлган зилзила содир бўлиш эҳтимоли юқори эканлиги аниқланди.

Т.У.Артиков ва бошқалар (2013 й.) Жиззах вилояти ҳудудида эҳтимоли  $P=0,99$  бўлганда макросейсмик жадаллиги 50 йил ичида  $I=6,0$ ,  $I=7,0$  и  $I=8,0$  дан ошмайдиган сейсмик зоналарни ажратганлар.

Жанубий Фарғона сейсмоген зонасининг морфоструктура тузилишини таҳлил қилиш натижасида ушбу ҳудудда содир бўлган барча зилзила ўчоқлари регионал ёриқнинг ёриқлик даражаси паст бўлган кўндаланг ёриқлар билан кесишган жойида содир бўлганлиги аниқланди. Бу хулоса У.А.Нурматов ва бошқалар (2016 й.) тадқиқотлари натижасида ҳам аниқланган.

Сейсмик риск моделини яратишнинг истиқболли ёндашишлардан бири бу зилзила сценариясига асосланган моделдир. Зилзила сценарияси кўп ҳолатларда регионнинг сейсмик хавфини ҳудудда тарқалиш хусусиятини мужассамлаштиради ва унинг параметрларини тавсифлайди. Зилзила сценариясининг параметрларига зилзила магнитудаси, чуқурлиги ва эпицентр координаталари киради. Шуларни ҳисобга олиб Жиззах вилояти ҳудуди учун қуйидаги параметрли зилзила сценария учун қабул қилинди:  $M \geq 6,0$ ,  $H=10$  км ва координаталари  $\phi=67,951945$  и  $\lambda=39,919355$  (1 - расм).



1-расм. Сценария зилзиласининг назарий изосейт схемаси.

Сценария зилзиласининг: 1 – 6 баллик зонаси; 2 – 7 баллик зонаси; 8 – баллик зонаси; 4 – Ўратепа зилзиласининг (1897 й.) изосейт чизиклари; 5 – Фаллаорол зилзиласининг (1984 й.) изосейт чизиклари; 6 – Сейсмоген зоналардаги актив ёриқларнинг йўналишлари.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, зилзила сценарияси таҳлиллар ва ишлаб чиқилган методика асосида 2016 йил танланган. 2017 йил бошларида ушбу регионда сейсмик фаоллик бошланди, координаталари бўйича сценария зилзила координаталарига мос келди ва 2017 йил 29 сентябрда магнитудаси  $M=5,1$  ва чуқурлиги  $H=10$  км бўлган зилзила содир бўлди. Ҳозирги кунда ушбу ҳудудда сейсмик фаоллик давом этмоқда. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқилган зилзила сценариясини танлаш усули афзаллигини ва самарадорлигини белгилайди.

Диссертациянинг **“Локал грунт шароитнинг сейсмик жадалликга таъсирининг хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобда қурилиш майдонларнинг сейсмик даражасини аниқлаш бўйича олиб борилган кўп йиллик инженер-сейсмологик илмий-тадқиқот ишлар натижалари келтирилган.

Кучли зилзилаларда иморатлар шикастланиш даражаси майдоннинг грунт шароитига боғлиқ, чунки грунтлар баъзи ҳолатларда иморатларга бўлган сейсмик таъсирни кучайтирса, баъзи ҳолатларда уни камайтиради. Бу асосан грунт қатламининг тебраниш амплитуда ва частота таснифини белгиловчи физик (қайишқоқ тўлқин тезлиги  $V_p$  ва  $V_s$ , зичлиги  $\rho$ , ютиш декрементлари  $\theta_p$  и  $\theta_s$ ), геометрик (қатлам қалинлиги ва уларнинг нисбати) ва юк кўтариш (деформацион ва мустаҳкамлик) хусусиятларига боғлиқ. Локал майдонда сейсмик жадаллик орттирмасини баҳолашда асосий кўрсаткич бу грунтларнинг литогенетик турлари, ва уларнинг физик-механик ва сейсмик хусусиятларидир.


Грунтлар таснифига асосан барча грунтлар икки синфга бўлинади: қоя тош ва дисперсларга. Агар қоя тош грунтлар ўзининг сейсмик хусусиятлари бўйича юқори кўрсаткичлар билан таснифланса ва сейсмик таъсирда мустаҳкамлигини йўқотмаса, дисперс грунтларда эса сейсмик жадаллик катталиги грунтнинг турига ва хусусиятларига, ҳамда сейсмик тебраниш реакциясига қараб жуда кенг доирада ўзгаради. Нафақат Жиззах вилоятида, балки бутун Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган турли грунтли (қоя тош, йирик бўлаклик, кумли, гиллик ва тўкма грунтларда) локал майдонларнинг сейсмик жадаллик орттирмасининг ўзгариши ўрганилди ва баҳоланди. Грунтларнинг қайишқоқлик ( $V_p$  и  $V_s$ ) хусусиятларини физик (зичлиги, намлиги, намлик даражаси ва ғоваклиги) ва механик (бир йўналишли сиқилишга қаршилиги, мустаҳкамлиги ва деформацияланиши) хусусиятлари билан корреляцион боғлиқлиги аниқланди ва корреляция тенгламалари ишлаб чиқилди. Грунтларнинг сейсмик қаттиқлигини ва кучсиз зилзила ва микросейсмик турли грунтларда тебраниш амплитудаларни “референт грунт” параметрлари (А.С.Алешин, 2017 й.) билан таққослаш натижасида локал майдонларда сейсмик жадалликнинг орттирмаси аниқланди ва таснифланди. Бунда “референт грунт” сифатида кўндаланг тўлқин тезлиги ( $V_s$ )=400 м/с, зичлиги ( $\rho$ )=1,65г/см<sup>3</sup> ва қатлам қалинлиги 10 м бўлган лесс грунтлари қабул қилинган.



Сейсмик жадаллик грунтларнинг турига қараб қуйидагича ўзгариши аниқланган: қоя тош грунтлар тарқалган майдонларда жадаллик 0,5-1,0 баллга ва йирик бўлаклик грунтларда 0-1,0 баллга қамаяди, қумли ва гиллик грунтларда 0-1,0 баллга ва тўқма грунтларда эса 1,5 баллгача ортади. Грунтларнинг физик-механик ва сейсмик хусусиятлари бўйича олинган барча маълумотлар умумлаштирилган ҳолда грунтларнинг литогенетик турига қараб регионал жадалвал тузилди ва унда ҳар бир грунт тури бўйича сейсмик жадаллик орттирмаси баҳоланди.

Кучли зилзилаларда намлиги юқори бўлган лесс ва майда заррали қумли грунтлар тарқалган ҳудудларда сейсмодеформацион жараёнлар ривожланади ва улар натижасида қўшима чўкиш ва суюқланиш содир бўлади. Ф.Ф.Аптикаев ва О.О.Эртелова (2014 й.) фикрига кўра бу жараёнларни ривожланиши кучли зилзила эпицентрада бўшанг грунтлардаги тезланишнинг амплитуда даражаси қоя тош грунтлардаги тезланиш амплитудасидан камроқ бўлиши мумкин. Шунга қарамадан бўшанг грунтлар тарқалган ҳудудларда макросейсмик эффект юқори. Бу феномен бўшанг ва қоя тош грунтларда тўлқинларни давомийлиги ва сейсмодеформацион жараёнлар билан тушунтирилган.

Мувозанатдан чиққан бинолар чўкишини геодезик усул билан ўрганиш асосида сейсмочўкиш жараёнини ривожланиши сейсмик тебраниш кучига ва боғлиқлиги аниқланди. Бу маълумотлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда қўшимча чўкиш тезлигининг сейсмик жадалликка корреляцион боғлиқлиги аниқланди ва корреляцион тенгламаси ҳисобланди (2 - расм).



2-расм. Намланган лесс грунтларида қўшимча чўкиш тезлигининг сейсмик жадалликка боғлиқлик графиги

Лесс грунт структурасининг динамик таъсирга мустаҳкамлигини аниқлаш ва баҳолаш учун Накамура услуби, яъни спектрлар нисбати ибораси билан жаҳонга машҳур бўлган услуб (the Horizontal to Vertical Spectrum Ratio-HVSRM) қўлланилди. Бу услубнинг асосий моҳияти тебранишнинг горизонтал спектрини вертикал спектрига нисбатан таҳлил қилинишидир.

Тадқиқотлар турли физик-механик хусусиятли лесс грунтлар тарқалган майдонда микросейсмик тебранишларни инструментал қайд қилишдан

иборат. Бунда ҳар бир тадқиқот ўтказилган нуқта учун заифлик индекси (vulnerability index) ёки турғун эмаслик коэффиценти ҳисобланган. Кўп кузатув нуқталаридан олинган маълумотларни умумлаштириш натижасида лесс грунтларнинг сейсмик мустаҳкамлиги бўйича таснифи ишлаб чиқилган. Бунда грунтлар физик хоссаси ва сейсмик заифлиги бўйича 5 тоифага ажратилган (жадвал).

Жадвал

Лесс грунтларини сейсмик мустаҳкамлиги бўйича таснифи

№	Грунтнинг сейсмик мустаҳкамлиги бўйича номи	Грунтнинг қурук ҳолдаги зичлиги, г/см <sup>3</sup>	Ғоваклик коэффиценти	Грунтнинг намлик даражаси	Консистенция кўрсаткичи	Сейсмик мустаҳкамлик коэффиценти
1	Сейсмик мустаҳкам	1,35-1,57	0,73-1,0	<0,2	<0	0-5
2	Сейсмик мустаҳкамрок	1,28-1,49	0,81-1,12	0,2-0,5	0-0,5	5-10
3	Сейсмик мустаҳкамлиги суст	1,39-1,51	0,79-1,0	0,5-0,8	0,5-0,75	10-20
4	Сейсмик мустаҳкамлиги ўта суст	1,33-1,47	0,85-1,04	0,8-1,0	0,75-1,0	20-30
5	Сейсмик мустаҳкам эмас (суюқланувчи)	1,26-1,62	0,67-1,15	1,0	>1,0	30<

Лесс грунтларининг зичланиш жараёнида статик босимни ҳисобга олган ҳолда сейсмик тебранишларнинг ўрнини аниқлаш мақсадида грунт намуналарида махсус тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг учун махсус ультратовуш ускунаси қурилган. Бу тадқиқотларнинг муҳим жиҳатларидан бири намунанинг турли тебраниш параметрларида зичлашишини ўлчаш ва статик босимни бу зичлашишга таъсирини баҳолаш эди.

Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган экспериментал тадқиқотлар натижасида лесс грунтларини сейсмик турғунлигининг табиати ўрганилди ва кучли zilzilalar оқибатида лесс грунтлари тарқалган худудларда эҳтимолий зарарни камайтириш имкониятлари аниқланди.

Муайян майдонларда лесс грунтларининг чўкиш хусусиятларини йўқотиш мақсадида олиб бориладиган техник мелиорация усуллари уларнинг физик-механик хусусиятларини ошириш ва сейсмик жадаллик кучини камайтириш имконини беради. Грунтлар пойдеворининг сейсмик хусусиятларини ўзгариши, ўз навбатида грунтлар ҳисобига орттирма катталигини камайишига олиб келади. Чўкишга қарши инженер тадбирларни қўллаш натижасида бино ва иншоотларга бериладиган сейсмик таъсирни камайтириш мумкин.

Дала экспериментал тадқиқотлар натижасида қуйидагилар аниқланди: сейсмик жадаллик орттирмасини 1 - 1,5 балл камайтиришга лесс қатламини осма қозиқлар орқали зичлаш ва уларни газли силикат билан қотириш

усуллари орқали эришса бўлади; жадаллик орттирмасини 0,5 - 1,0 баллга камайтиришга дастлабки сувга тўйинтириш, портлатиш энергияси билан зичлаш ва оғир юк билан шиббалаш усули билан эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда иншоот пойдеворининг асосининженер тайёрлашда қўлланиладиган барча усуллар бино ва иншоотларга бериладиган сейсмик таъсир даражасини камайтиради.

Диссертациянинг **«Маъмурий регионларда сейсмик рискни баҳолашнинг инженер-сейсмологик асосини ишлаб чиқиш усули»** деб номланган тўртинчи бобида маъмурий ҳудудларнинг сейсмик рискнинг инженер-сейсмологик асосини ишлаб чиқиш тартиби ва услуги кўрилган ва асосланган. Ишлаб чиқилган услубни татбиқ қилиш учун намуна сифатида Жиззах вилояти ҳудуди олинган.

Сейсмик рискни баҳолашда маъмурий регион таксонометрик бирлик бўлиб, унда сейсмик заифлик объекти сифатида турли масштаби, белгиланган функционал фаолияти, нуфузи ва хусусиятига эга бўлган аҳоли яшаш пунктлари кўрилади. Бундай тадқиқотлар кутқарув ишлари учун регионал норматив ҳужжатларни тайёрлаш, аҳолини олдиндан сейсмик хавфга тайёргарлигини ташкил этиш, шаҳарсозлик лойиҳаларида хавфсизликни ҳисобга олиш ва бўлажак зарарларни ҳисоблаш ва режалаштириш мақсадида олиб борилади.

Маъмурий регионнинг инженер-сейсмологик шароити комплекс тадқиқотлар бўйича олинган инженер-геологик шароитни ўзгариши ва сейсмик тебранишни сўниши билан боғлиқ бўлган регионал қонуниятлари ва аҳоли пунктининг сейсмик заифлик даражаси асосида баҳоланади.

Инженер-сейсмологик шароитни баҳолашда регионал инженер-геологик компонентлар, яъни ҳудуднинг геологик, геоморфологик ва тектоник тузилиши, гидрогеологик шароити ва 10 м қирқимнинг литологик қатламланиши, грунтларнинг физик-механик ва сейсмик хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. Шуларни инобатга олиб Жиззах вилоятида 7 турдаги ҳудудлар ажратилган. Ҳар бир инженер-геологик турдаги ҳудуд учун сценария зилзиласи таъсирида вужудга келадиган сейсмик жадаллик инженер-геологик, сейсморазведка ва инструментал тадқиқотлар асосда -1; 0 и +1; балларда баҳоланган.

Одатда макросейсмик талафотлар сўнишининг регионал функцияси кучли зилзила бўлиб ўтгандан сўнг аниқланади ва у зилзила магнитудаси ва ўчоғининг конфигурациясига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Жиззах вилоятидаги сценария зилзиласининг назарий изосейст харитаси Т.У.Артиков ва Р.С.Ибрагимов томонидан (2012 й.) тавсия этилган тенглама ёрдамида тузилган бўлиб, у юқори қатлам грунтларнинг ўрта шароитини акс эттиради.

Сейсмик тебраниш параметрларини грунт шароитига ва масофа бўйича сўнишига боғлиқлигини баҳолаш учун Pro Shake 2.0 дастурини қўллаган ҳолда турли грунт шароитининг моделлари таҳлил қилинди. Ўзбекистоннинг марказий қисмига мос келадиган грунт шароитининг уч модели кўриб чиқилган.

Ҳар бир модел учун синтез қилинган акселерограммада доимий ўзгармас маълумот қилиб зилзила магнитудаси, чуқурлиги, юқори қатлам қалинлиги, 30 м қалинликдаги грунтнинг ўртача зичлиги ва кўндаланг тўлқин тезлиги олинган. Ўзгарувчан кўрсаткич қилиб гипоцентрал масофа ( $r = 10; 15; 20; \dots 60$  км) олинган. Натижада 33 синтез қилинган акселерограммалар тузилган ва сценария зилзила таъсирида грунтларнинг сейсмик хусусияти бўйича тоифаланган (КМК 2.01.03-96) уч категорияси вужудга келадиган тезланиш чўққилари аниқланган. Турли масофаларда ва турли грунт шароитларида тезланиш чўққиларининг сўниш тенгламалари аниқланди:

$$\begin{aligned} \text{I-категория грунтлар учун } PGA &= 528,09e^{-0,06r}, \\ \text{II-категория грунтлар учун } PGA &= 586,50e^{-0,04r}, \\ \text{III-категория грунтлар учун } PGA &= 696,87e^{-0,032r}. \end{aligned}$$

Олиб борилган тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда, яъни инженер-геологик шароитни типлари ажратилган схематик харитани, турли категориядаги грунтларда максимал тезланиш формулалар орқали ҳисобланган тебранишни сўниш параметрларини, Жиззах вилояти учун сценария зилзила натижасидаги сеймик жадалликни ҳудуд бўйича ўзгаришини прогноз қилишнинг схематик харитаси тузилди. Бу харитада вилоят ҳудудида сценария зилзиласи содир бўлганда 5, 6, 7, 8 ва 9 баллик зоналар ажратилган.

Аҳоли пунктларнинг сейсмик заифлигини баҳолашда ҳар хил конструктив типдаги биноларнинг сейсмик заифлик функцияларидан фойдаланган ҳолда шу аҳоли пунктлардаги биноларнинг (типига қараб) шикастланиш даражасининг ўртача қийматини аниқлаш усулидан фойдаланилган. Аҳоли пунктларидаги барча бинолар 3 типга ажратилган:

А тип - маҳаллий ҳом ашёдан фойдаланган ҳолда қурилган шахсий уйлар (гувала, ҳом ғишт ва пахса).

Б тип - маъмурий, ижтимоий, шахсий ва коллектив турар бинолар, асосан пишиқ ғишрдан қурилган (1 - 2 қаватли).

В тип - маъмурий, ижтимоий ва яшаш бинолари, пишиқ ғишрдан ва панеллардан қурилган (3 - 5 қаватли).

Жиззах вилоятининг 77 аҳоли пунктларининг сейсмик заифлик даражалари ҳисобланган. Бунда асосан биноларнинг конструктив типлари билан боғлиқ маълумотлар аҳоли пунктларида олиб борилган анкета материаллардан ва ҳар бир типдаги (А, Б ва В) бинолар шикастланиш функциясида фойдаланилган. Ушбу бобнинг якунида 77 аҳоли пункти учун ҳудуднинг сейсмик заифлик ва шикастланиш даражаси тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилган жадвали келтирилган.

Диссертациянинг «**Шаҳар ҳудудида сейсмик рискни баҳолашнинг инженер-сейсмологик асосини ишлаб чиқиш усули**» деб номланган бешинчи бобида шаҳар ҳудудлари учун сейсмик рискни баҳолашнинг инженер-сейсмологик жиҳатлари кўрилган.

Шаҳарнинг қурилган майдонлари - чегараланган ҳудуд бўлиб, у аслида уй-жой, маданий-маиший, саноат, маъмурий, ижтимоий, диний ва бошқа инженер инфраструктура объектлар жойлашган ҳудуддир. Буларга айрим аҳоли пунктлари, шаҳарларнинг маълум бир қисми ёки бутун шаҳар ҳудуди киради.

Шаҳар ҳудудининг сейсмик рискинни баҳолашнинг муайян объектларни баҳолашдан фарқи сейсмик таъсирни инженер-геологик шароитни ва сейсмик тўлқинларни масофа бўйича сўниш эффектларига боғлиқ ҳолда кенг спектрда ўзгаришида, ҳамда ҳудуднинг конструктив тури ҳар хил бўлган биноларнинг тарқалганлигидадир. Тадқиқотлар объекти қилиб Жиззах вилоятининг маъмурий маркази Жиззах шаҳри танланган. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, шаҳар сейсмик фаол зонада жойлашган ва иккинчидан у архитектура ва қурилиши бўйича республикадаги шаҳарсозлик жиҳатларни ўзида мужассам қилган.

Жиззах шаҳри ҳудудининг ҳозирги замон инженер-геологик ҳолати геологик ва техноген факторларга мос равишда ўзгаради. Шаҳар ҳудудида инженер-геологик шароитининг мослик даражасига кўра (литологик қирқимнинг, грунтларнинг физик-механик ва сейсмик хусусиятларининг ўхшашлиги асосида) 5 турдаги ҳудудлар ажратилган. Ҳар бир турдаги майдонлар учун сейсмик жадалликнинг орттирмаси - 1 ва +1 балл доирасида аниқланган.


Турли грунт шароитида ва сценар зилзила эпицентридан узоқликдаги нуқталарда сейсмик тебраниш параметрларини баҳолаш мақсадида синтезланган акселерограммалар ҳисобланган. Бунинг учун Калифорния университетида ишлаб чиқилган Matlab MSEER\_GMS дастуридан фойдаланилган. Дастур талаб қиладиган дастлабки параметрлар - зилзила магнитудаси, гипоцентрал масофа, грунт қатламининг қалинлиги ва грунтларда тарқалаётган кўндаланг тўлқиннинг ўртача тезлиги ва унинг зичлиги. Шуларни инобатга олиб, Жиззах шаҳри учун қуйидагилар дастлабки маълумотлар сифатида олинган: магнитуда -  $M=6,0$ ; зилзила ўчоғининг чуқурлиги -  $H=10\text{км}$ ; гипоцентрал масофа - 19 дан 33км; кўндаланг тўлқин тарқалишининг нуқта учун ўртача қиймати; грунт қатламининг ўртача зичлиги.

